DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojhpl-05-03-27 Pages: 255-263

Oriental Journal of History, Politics and Law

SUPPORT SCIENCE

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl



SOME ISSUES OF CORRUPTION RISKS IN JUDICIAL PROCEEDINGS OF CRIMINAL PROCESS

Khasan Khudoyberdiyev
Master's student
Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

ABOUT ARTICLE

Key words: crime, judge, punishment, criminal case, corruption, corruption risk, liability, court, trial, court session, process.

Received: 08.03.25
Accepted: 10.03.25
Published: 12.03.25

Abstract: This article describes situations in which corruption risks may arise in judicial proceedings of the criminal process and their causes. The article also analyzes corruption risks that may arise in judicial proceedings of criminal cases in criminal courts today.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ҲАТАРЛАРНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ҳасан Худойбердиев
магистратура тингловчиси
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жиноят, судья, жазо, жиноят иши, коррупция, коррупциявий хавф-ҳатар, жавобгарлик, суд, муҳокама, суд мажлиси, жараён.

Аннотация: Мазкур мақолада Жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциявий хавф-ҳатарлар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар ва уларни сабаблари баён этилган. Шунингдек, мақолада бугунги кунда жиноят судлари томонидан жиноят процессининг суд муҳокамасида келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-ҳатарлар таҳлил этилган.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ КОРРУПЦИОННЫХ РИСКОВ В СУДЕБНОМ РАЗБИРАТЕЛЬСТВЕ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА

Хасан Худойбердиев
студент магистратуры
Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
E-mail: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: преступление, судья, наказание, уголовное дело, коррупция, коррупционный риск, ответственность, суд, разбирательство, судебное заседание, процесс.

Аннотация: В данной статье изложены ситуации, в которых могут возникать коррупционные риски в судебном разбирательстве уголовного процесса, и их причины. Также в статье анализируются коррупционные риски, которые могут возникнуть в судебном разбирательстве уголовного процесса в уголовных судах на сегодняшний день.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган сиёсатда қонунийлик ва адолатни таъминлаш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада жиноят ишининг судда кўрилишида одил судлов ва коррупциядан ҳоли бўлиши муҳим ҳисобланади. Хусусан, жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциявий хавф-ҳатарларнинг келиб чиқиши мумкинлиги, жиноят иши доирасида судланувчи, ёки жабрланувчининг ҳақ ҳуқуқлари бузилаётганлигидан далолат беради.

Жиноят судлари томонидан жиноят ишларининг мустақил, холисона ва энг муҳиими коррупциядан ҳоли бўлган адолатли ҳукм ва қарорлар чиқарилиши орқали ҳал этилиши Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги жозибадорлигини оширилиши билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг давлат органларига нисбатан ишончини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Халқаро доирада Қонун устуворлиги индексида (Rule of Law Index), суд ва коррупция соҳасидаги натижалари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб унга кўра Ўзбекистон жиноий судлов индексида 70-ўринда, коррупциянинг йўқлиги ҳолатлари юзасидан 68-ўринни эгаллаган.(1)

Жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциявий хавф-ҳатарлар амалга оширилиши натижасида суд муҳокамасида қарор қабул қилишга таъсир ўтказиш учун қонунга зид ҳаракатларни амалга оширилишига олиб келади. Бу қонунсиз ҳаракатлар судьялар ёки процесснинг бошқа иштирокчиларини ҳам объективлик ва мустақиллигини йўқотиши, натижада ишларнинг адолатсиз ва коррупцияга йўғрилган ҳолда кўриб чиқилишига сабаб бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам 2025 йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида айрим идоралар томонидан судга таъсир ўтказишга уринишлар ҳали-ҳануз давом этаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек давлат раҳбари томонидан ”судлар фаолиятига ҳар қандай аралашиш одил судловга соя солиш, деб баҳоланади. Бу бўйича сўров ҳам, жавобгарлик ҳам қаттиқ бўлади”(2) деб таъкидлади.

Адабиётлар таҳлили: Жиноят судлари жамиятда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, жиноят учун аниқ жазо белгиловчи асосий орган бўлиб, унинг роли фақат қонун ва адолат кафили сифатидагина эмас, балки инсонни давлатнинг ўзбошимчаликдан ҳимоя қила оладиган орган сифатидаги ролини ҳам таъминлайди. Аммо агар суднинг ўзида қонуний қарор қабул қилиш ва адолатли ҳукм чиқариш коррупция туфайли йўқ бўлса, инсон ҳуқуқларни ҳимоя қилиб бўлмайди.

Бир қатор илмий тадқиқотларда коррупция хавфи турларини ўз ичига фаворитизм, непотизм, протексионизм олади (3) деб таъкидлаган.

Бундан ташқари яна бир тадқиқотчилар коррупцияга қарши курашда судлар муҳим рол ўйнайди судяларнинг ўзлари коррупция билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш йўли билан коррупцияга оид ҳар қандай кўринишларни истисно қилишни талаб қилади. Суд ҳокимиятининг ташувчиси бўлган судялар одил судловга таъсир ўтказишга қарорлар қабул қилган ҳолда уринишлар хавфи остидадир (4)деб ҳисоблайди.

Канадалик тадқиқотчи Л.Савардого судьянинг мустақиллиги ва холислиги ҳар қандай суд ишининг асосий шартлари деб ҳисобланади, ҳам халқаро, ҳам миллий даражада. Аммо "махсус ҳолатлар" юзага келиши мумкин, бу ҳолатлар судьянинг ишни кўриб чиқишда иштирок этишига тўсқинлик қилади, улар судьянинг ишга шахсий манфаатдорлигини кўрсатадиган ҳолатлар билан боғлиқ бўлади (5) деган фикрлари мавжуддир.

Фикримизча, тадқиқиотчининг фикрларига қўшилган ҳолда судьянинг жиноят ишини кўришдаги шахсий манфаатдорлиги қуйидаги коррупциявий хавф-ҳатарларни келтириб чиқариши мумкин деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан судья томонидан процессуал қарорлар қабул қилишда холисликнинг бузилиши, масалан: Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда, суд тергови босқичида далилларни баҳолашда ва жазо тайинлашда жиноят ишига раислик қилувчи судъя томонидан ушбу коррупциявий хавф-ҳатарларнинг келиб чиқиш эъҳтимоли юқори ҳисобланади.

Иккинчидан жиноят ишига раислик қилувчи судья ва жиноят иши иштирокчилари ўртасида норасмий алоқаларнинг ўрнатилиши. Бунда асосан айбланувчи ёки унинг

яқинлари билан, жабрланувчи томон билан прокурор ёки адвокат билан ўзаро алоқада бўлиши ҳам мумкин.

Учинчидан иш натижасидан ўзининг қонунда белгиланмаган яқин танишларига қарор қабул қилишда ён босиш. Ушбу ҳолат биргина жиноят судларида эмас балки бошқа судларда ҳам учраши аҳамиятлидир.

Рус олимлари томонидан эса судянинг жиноят ишини кўриб чиқишда шахсий манфаатдорлиги турли ҳолатлар билан белгиланиши мумкинлиги ҳақида фикр берган. Унган кўра, ишни яқин қариндошлари, судя томонидан белгиланган шахсларга нисбатан кўриб чиқиш (6) деган фикрларни билдирган.

Фиримизча рус олимлари томонидан билдирилган фикрлар асосли бўлиб, судьянинг яқин танишлари иштирокидаги ишларни кўришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарлар асосан белгиланмаган қариндошлик алоқалари туфайли иш натижасида холисликнинг бузилиши, оилавий манфаатлар устуворлиги сабабли қонунийликнинг бузилиши, қариндошлар орқали норасмий таъсир ўтказиш имкониятининг мавжудлиги ҳамдир.

Демак, жиноят ишини кўраётган судя томонидан унинг муайян ишда манфаатдорлигини белгиловчи ҳолатларни мустақил равишда ҳал қилади. Бироқ, судянинг бундай ҳолатларга ички баҳоси, тарафкашликни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини ўзидан ўзоқлаштиради.

Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, “фуқарога нисбатан чеклов қўядиган ҳар қандай нормалар коррупцияга сабаб бўлиши мумкин, коррупцияни келтириб чиқарувчи нормалар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини муқаррар равишда бузади” (7) деб таъкидланган.

Демак бундан кўринадики жиноят ишлари бўйича судлар жазолаш функциясини амалга ошириш “ричаги” ваколат доирасида бўлганлиги сабабли жиноят процессининг суд муҳокамасида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай коррупциявий хавф-ҳатарлар жиноят ишига раислик қилувчи судъя билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олишимиз лозим.

Е.Н.Рахманованинг тўғри таъкидлашича, “Гарчи судлар томонидан ишларнинг аксарияти холисона ҳал этилса-да, жамоатчиликнинг судлар фаолияти ҳақидаги таассуроти, аввало, салбий мисолларга асосланади. Бунинг сабаблари суд жараёнларининг чўзилиши, судьялар ва суд аппарати ходимларининг паст малакалилиги ва касбий ахлоқининг паст даражаси, интернетда тарқатилаётган нопрофессионал изоҳлар, суд органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги бўлиб, натижада махфий ахборот баъзан тегишли суд қарори қабул қилинишидан олдин муҳокама қилинадиган мавзуга айланади. Судлардаги коррупцияни давлат органлари, юқори турувчи суд

органлари томонидан судьяларга турли хилдаги таъсир ва босимлар келтириб чиқариши мумкин; бунга муайян даражада ташкилий омилларни, хусусан, ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш тизимини, ташкилий-бошқарув масалаларини ҳам киритиш мумкин ”(8) лигини таъкидлаган.

Тадқиқотчининг фикрларига қўшилган ҳолда айнан жиноят судларида жараёнларининг чўзилиши, судьялар ва суд аппарати ходимларининг паст малакалилиги ва касбий аҳлоқининг паст даражаси, ҳар хил бўладиган босимлар ҳам коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Таҳлил ва натижалар: Жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциянинг келиб чиқишини таҳлил қилар эканмиз қўйдагилар жиноят процессининг суд муҳокамсида коррупциявий хавф-ҳатарларни келтириб чиқрувчи сабаблар деб ҳисоблаймиз:

А) Жиноят судларида жиноят ишида раислик қилувчи судьяларга босим ўтказиш имкониятларининг сақланиб қолинётганлиги**;**

Бунда жиноят ишларига раислик қилувчи судьяларга босим ўтказиш механизмларининг кўп қирралилиги уларнинг мустақиллигига жиддий таҳдид солади. Бу каби босимлар расмий ва норасмий йўллар орқали амалга оширилиши мумкин. Расмий йўлда босим қонуний механизмлар воситасида амалга оширилиши, масалан, судъяларни танлаш, тайинлаш, аттестациядан ўтказиш ва интизомий жавобгарликка тортиш жараёнларини келтириб утишимиз мумкин. Норасмий босим эса шахсий алоқалар, таниш-билишчилик ва норасмий мажбуриятлар орқали юзага келади.

Фикримизча бундай босим натижасида судьялар объектив далилларга эмас, балки ташқи манфаатларга асосланиб қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Бунинг натижасида жиноят процессининг суд муҳокамасида жиноят ишига раислик қилувчи судъя томонидан коррупцига йўғрилган қарорлар қабул қилиш эҳтимоли ошади.

Б) Иш бўйича қарорни таъсир қилиш мақсадида давлат ҳокимияти органларининг юқори мартабали мансабдор шахслари томонидан суд фаолиятига аралашиши;

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Бироқ, амалиётда давлат ҳокимияти органларининг юқори мартабали мансабдор шахслари томонидан суд фаолиятига аралашиш ҳолатлари учраб туради, бу ўз навбатида коррупциявий ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши билан бир қаторда жиноят ишларининг тақдири коррупциялашувга олиб келиш эҳтимолини юқорилатаётганлиги билан аҳамиятлидир. Демак жиноят иши доирасида якуний ҳукмнинг коррупциялашуви ёки адолатли бўлиши суд муҳокамасидаги ҳаракатларга боғлиқлиги билан аҳамиятлидир.

Фикримизча давлат органларининг юқори мартабали мансабдор шахсларнинг жиноят ишларининг суд муҳокамаси ва уларнинг фаолиятига аралашуви турли шаклларда намоён бўлади. Улар асосан жиноят ишини олиб борувчи судьяларга тавсия, кўрсатма ёки илтимослар юбориш мумкин. Бундай "илтимослар" телефон қўнғироқлари, шахсий учрашувлар ёки ишончли воситачилар орқали етказилиб судъянинг коррупцияга йўғрилган ҳукмлар ва қарорлар чиқарилишига олиб келади деб ҳиоблаймиз.

Юқоридаги ҳолатларда жиноят иши доирасида жиноят процессининг суд муҳокамасида адолатли суд қарорини қабул қилиш эмас, балки жиноят ишига раислик қилувчи судъя томонидан "манфаатли" алоқаларга эга бўлиш муҳимроқ деган фикр шаклланади, бу эса жамиятда коррупциянинг ўсишига олиб келади. Демак, давлат ҳокимияти органларининг юқори мартабали мансабдор шахслари томонидан жиноят процессининг суд муҳокамасига ва жиноят судининг фаолиятига аралашув ҳолатлари суд тизимидаги коррупциянинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммони ҳал қилмасдан туриб, адолатли ҳамда коррупциядан ҳоли бўлган, холис суд тизимини ва жиноят процессининг суд муҳокамасидаги коррупциявий ҳолатларга чек қўйиш имконсиздир.

В) Жиноят ишлари бўйича судларнинг коррупцион ҳолатларни ёпадиган ёпиқ тизимни шакллантириш учун етарли ваколатга эгалиги;

Бунда асосан жиноят процессининг суд муҳокамасида судларнинг коррупцион ҳолатларни ёпиш имкониятлари бир қатор процессуал хусусиятлар билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, жиноят ишлари бўйича судлар ички назорат механизмлари асосан юқори судлари томонидан амалга оширилишини ҳисобга олсак, юқори судларида ҳам коррупция мавжуд бўлса, бутун тизимда коррупциянинг яширин сақланиб қолишига имкон яратлиши мумкинлигига;

Иккинчидан, Жиноят ишлари олиб боришда суд жараёнларининг техник жиҳатларида судьяларнинг кенг ваколатлари мавжуд. Масалан, далилларни баҳолаш, процессуал қоидаларни қўллаш, тараф вакилларининг қабул қилиш ёки рад этиш борасида судьялар катта эркинликка эга. Бу ваколатлардан нотўғри фойдаланиш коррупциявий мақсадларга хизмат қилиши мумкин.

Учинчидан, Жиноят ишлари бўйича судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизмлари мураккаб ва кўп босқичли. Демак коррупцияга аралашган судьяларни жазолашни қийинлаштиради. Гарчи у судьяларнинг мустақиллиги учун муҳим бўлсада, айрим ҳолларда коррупцияга қарши курашга тўсқинлик қилиши мумкин.

Д) Жойларда жиноят судларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан норасмий ҳамкорлиги амалиёти кенг тарқалганлиги ва натижада "доиравий кафиллик" тизими яратилганлиги;

Ривожланаётган ҳуқуқий давлатларнинг ҳуқуқига кўра, суд ҳокимиятива тергов органлари мустақил институтлар сифатида бир-биридан алоҳида фаолият кўрсатиши лозим. Ҳар бир орган ўз ваколати доирасида, ўзаро назорат ва мувозанат тизими асосида иш юритади.

Бироқ, амалиётда жиноят судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида "доиравий кафиллик" деб номланувчи норасмий ҳамкорлик тизими жиноят процессининг суд муҳокамасида жиддий коррупциявий хавф-ҳатарларни келтириб чиқармоқда. Натижада "Доиравий кафиллик" тизими асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва судьялар ўртасида норасмий алоқалар ўрнатилиши мумкин. Бу каби алоқалар орқали улар бир-бирининг манфаатларини ҳимоя қилишлари ва барча томонлар учун фойдали бўлган коррупциялашган механизмни яратишлари мумкин. Бу каби алоқалар нафақат суд органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки маҳаллий ҳокимият органлари, ташкилотлар ва тадбиркорларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Фиримизча "Доиравий кафиллик" тизимининг асосий механизмлари қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

Жиноят иши юзасидан судьялар ва тергов органлари ходимлари ўртасида норасмий маслаҳатлашувлар ўтказилиши. Натижада суд қарори қабул қилинмасдан туриб, тергов органлари вакиллари судьялар билан ишни муҳокама қиладилар, келгуси қарор бўйича "келишиб оладилар". Бунда "судьянинг мустақиллиги" принципи очиқчасига бузилади ҳамда жиноят иши доирасида коррупцияга бўлган хавф-ҳатарлар келиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари "ташқи" томондан ҳам – адвокатлар, бизнес вакиллари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам доиравий кафилликда иштироки бўлиши ва "воситачи" ролини ўйнаб, пора берувчи ва олувчилар ўртасида кўприк вазифасини бажаришлари ҳам мумкин.

Демак жиноят ишларини олиб боришда жиноят ишлари бўйича судъялари ва тергов органлари ходимлари ўртасидаги норасмий алоқаларни жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциявий хавф-ҳатарларнинг келиб чиқиши асосий сабабларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Е) Жиноят иши доирасида судъя билан алоқаси яхши бўлган "қора адвокатлар” тоифаси мавжудлиги;

Бунда асосан тижорат ташкилотлари ва жисмоний шахсларга "қора адвокатлар" деб аталувчилар орқали воситачилик хизматлари кўрсатиш амалиёти мавжуд бўлиши, улар

жиноят ишини олиб борувчи судъя билан "жиноят ишини манфаат эвазига ҳал қилишни" кафолат берилишининг мумкинлиги коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқараётганлиги сабаб бўлиши мумкинлиги.

“Қора адвокатлар" тушунчаси расмий ҳуқуқий терминология доирасига кирмаса-да, амалиётда кенг қўлланилиши нафақат жиноят судларида балки судларнинг бошқа турларида ҳам коррупциявий ҳавф-ҳатарларни келтиришда асосий сабабчи деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча жиноят ишлари бўйича судларда "Қора адвокатлар" – бу жиноят ишида доирасида судьялар билан яқин норасмий алоқаларга эга бўлган, муайян ҳақ эвазига суд ишларининг натижасига таъсир кўрсатиш хизматларини таклиф қилувчи шахслардир. Улар расмий адвокатлар, собиқ судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимлари ёки оддийгина суд тизимида "алоқа"ларга эга бўлган шахслар бўлиши мумкинлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур тоифадагилар "жиноят ишини ҳал қилиш" учун нафақат ҳуқуқий билим, балки "керакли одамлар" билан алоқалар зарурлигини уқтиради ва жиноят процессининг суд муҳокамасининг турли босқичларида коррупцион алоқаларга эга бўлишлари мукинлиги ва кўпинча суд раислари, суд аппарати ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан коррупцион алоқада бўлиши мумкинлиги жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупцион хавф-ҳатарларни челтириб чиқарувчи асосий сабаб деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциявий хавф-хатарларни юзага келтирувчи асосий сабаблар ва омилларнинг мавжудлиги адолатли суд муҳокамасини таъминлаш принципини бузади, суд тизимига бўлган ишончни сусайтиради ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга тўсқинлик қилади. Бу ўз навбатида жамиятда фуқаролар онгида давлатга, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончини камайтириш билан бир қаторда, давлатнинг халқаро доирадаги рейтингларига таъсир этибгина қолмай, унинг халқаро доирада нуфузини пастлашишига олиб келади. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда жиноят процессининг суд муҳокамасида коррупциявий хавф-хатарларни юзага келтирувчи асосий сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича чора тадбирларни такомиллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2024/Uzbekistan/Absence%20of%20Corruption/

2. https://uza.uz/uz/posts/sudlar-faoliyatiga-har-qanday-aralashish-odil-sudlovga-soya-solish-deb-baholanadi-prezident_694754

3. Korotkova A.V. Forms of Corruption. APRIORI. Seriya: Gumanitarnye nauki = Apriori Journal, 2018, no. 1, pp. 8–16. (In Russian). EDN: YMDEVN.

4. König P.D., Wenzelburger G. When Politicization Stops Algorithms in Criminal Justice. The British Journal of Criminology, 2021, vol. 61, iss. 3, pp. 832–851

5. Savadogo L. Les incidents liés à la composition de la cour ou du tribunal dans le procès international. Canadian Yearbook of International Law, 2018, vol. 55, pp. 113–179. (In French)

6. Россинский Сергей Борисович, and Рябцева Екатерина Владимировна. "ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ КОРРУПЦИОННЫХ РИСКОВ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ" Всероссийский криминологический журнал, vol. 16, no. 5, 2022, pp. 629-637.

7. Психологоакмеологические технологии противодействия коррупции в системе государственной службы: учебное пособие / под общ. ред. А.А. Деркача. М., 2010. С. 12.

8. Рахманова Е.Н. Об укреплении доверия к судам и снижении коррупции // Адвокатская практика. – 2013. - № 6. – С. 29-34.